



# MILLIY TIKLANISH

49 (421) ● 2016 йил 12 ноябрь, шанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Баркамол авлод — миллат таянчи!

Сайлов — 2016

Юзма-юз

### Ишончли вакил ИНСТИТУТИ

сайловолди ташвиқотининг самарали ўтишида муҳим ўрин тутлади

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан бири — миллий сайлов тизимининг шаклланишидир. Демократиянинг муҳим кўзгуси бўлган бу соҳа умумэтироф этилган халқаро принципларга мос ҳолда янада ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Уларда сайлов тизими моҳияти, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сайловларни ташкил этиш, ўтказиш, овоз бериш натижаларини аниқлаш, фуқароларнинг сайловдаги иштироки, сайлов ҳуқуқининг кафолатлари каби муҳим масалалар ҳуқуқий тартибга солинган. Демократик сайлов тизимининг ҳуқуқий асос ва механизми бўлиб қолган босқич тақомиллаштирилиши натижасида амалда "ваколатли вакил", "ишончли вакил" каби институтлар жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси, шу жумладан, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёни мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Номзодлар сайловолди ташвиқоти тадбирларини фаол олиб бормоқда, бу жараёнда уларга ишончли вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда.

> 3-бет.



### Юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлиги йўлида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Анора Бобомуродова йигилганларни Сарвар Отамуратовнинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг номзод сўзга чиқиб, сайловолди Дастурида белгиланган устувор йўналиш ва вазифалар тўғрисида тўхталди.

— Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлангани, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти

барпо этиш йўлидаги дадил одимлари улкан ижтимоий ва тарихий жараён — деди номзод. — Тарихан қисқа бу давр, давлатимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлганини дунё ҳамжамияти ҳам кенг эътироф этмоқда. Ватанимизнинг ана шундай улкан тараққиётида Навоий вилоятининг ҳам муносиб ўрни бор.

Навоий вилояти истиқлол йилларида меҳнаткаш халқи, йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналари туфайли ҳар томонлама ривожланди, обод ҳудудга айланди. Йирик индустриал салоҳиятга эга, саноати ривожланган воҳа заминиде кўпга ерости ва ерусти бойликлари мавжуд. Хусусан, юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи, жумладан, цементнинг 45, минерал ўғитларнинг 30, электр энергиясининг 16 фоизи Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент" корхоналари, Навоий иссиқлик электр станцияси, "Электр кимё заводи" каби йирик қувватлар мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим асоси ҳисобланади. Мамлакатимизда биринчи бўлиб Навоий вилоятида ташкил этилган эркин иқтисодий зонадаги 19 корхонада 100 дан ортиқ турдаги замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

> 2-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

### Сайловолди ТАШВИҚОТИ

жараёнида ишончли вакиллар фаол иштирок этмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, унинг сайловолди Дастурини кенг тарғиб-ташвиқ қилмоқда.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг ишончли вакили — Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Муҳитдинова сайловчилар билан учрашди. Унда партия фаоллари, турли ташкилот ва идоралар вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар, маҳалла фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Учрашувни Тошкент темир йўл муҳандислари институти проректори Дилшод Баратов очиб, айни пайтда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўриляётганини таъкидлади.

> 3-бет.

### Партия қузатувчилари

таркиби тўлиқ шакллантирилди

Сайловлар жараёнида қузатувчилар иштироки муҳим аҳамият касб этади. Улар сайловнинг умумийлик, тенглик, адолатлилик, эркинлик, ошқоралик ва овоз беришнинг яширинлиги каби демократик тамойилларга риоя этиш жараёнини қузатиб боради ва таъминлашга хизмат қилади.

Амалдаги сайлов қонунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партия қузатувчилари ҳам сайлов жараёнини қузатиб боришга ҳақли. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қузатувчиларни танлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов округи ҳудудидаги ҳар бир сайлов участкасига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан бириктирилган қузатувчилар таркиби шакллантирилди. Унга кўра, 9 минг 300 нафардан ортиқ қузатувчи сайлов участкаларида сайлов, овоз бериш жараёнини қузатиб боради.

Миллий сайлов қонунчилигимизга мувофиқ партия ташкилотлари томонидан ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналари ва овозларни санаб чиқишда партиядан қузатувчилар тайинлаш тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан қамада ўн беш кун олдин маълум қилиниши лозим. Округ сайлов комиссиялари партия қузатувчиларини рўйхатдан ўтказиб, уларга гувоҳнома беради. Улар ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида сайлов участкалари ва комиссия-

лар фаолиятида сайлов тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш устидан назоратни амалга оширадилар.

Партияимиздан тайинланган қузатувчилар таркибининг қарийб ярмини хотин-қизлар, 2800 нафардан ортигини эса ёшлар ташкил этади.

— Қузатувчилар сайлов жараёнининг муҳим иштирокчиси саналади, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Илҳом Расулов. — Шу боис қузатувчилар таркибини шакллантиришда, уларнинг билим даражаси, жамиятда тутган ўрни ва мавқеига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Партияимиздан сайлов участкаларига бойитиш масаласи ҳам диққат-эътиборда. Қузатувчиларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини ошириш, улардаги янги ҳуқуқий мейёрларлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида партия Марказий ҳамда ҳудудий ташкилотлари жойларда семинар-тренинглар ўтказишни режалаштирган. Зеро, қузатувчиларнинг муҳим сиёсий жараёнга ҳар томонлама тайёр бўлиши сиёсий партия учун катта аҳамиятга эга.

Аҳмад ЮСУПОВ,  
"Milliy tiklanish" муҳбири



Руслан НУРУДИНОВ,  
Оғир атлетика бўйича XXXI ёзги  
Олимпия ўйинлари чемпиони:

— Юртимизда спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши фарзандларимизни нафақат жисмонан бакуват, балки маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Ёшларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158







